

ФЕВРАЛЬ
ОЙ МАВЗУСИ: “ҒАРОЙИБ ДУНЁ”

Гуруҳ		Ўрта					
Мавзу		Ҳайвонлар ва қушлар билан дўстлашамиз					
Муддати		Февраль ойининг 2-ҳафтаси					
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар		Жисмоний ривожланиш ва соғлом тумуш тарзининг шаклланиши	Болаларга югуриб келиб, турган жойидан узунликка сакраш ҳаракатларини ўргатиш, ўз кийим–кечакларини қаерга ва қандай қўйиш кераклиги, ораста кийиниш, тартибли бўлиш каби малакаларни мустаҳкамлаш. Ювиниш қоидаларига риоя қилишга ўргатиш.				
		Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Болалардаги меҳрибонлик, эътиборлилик, ёрдам бериш каби ҳислатларни тарбиялаш. Уларга ҳайвонот олами ва қушларнинг фойдаси ҳақидаги маълумотларни бериш орқали меҳрни тарбиялаш.				
		Нутқ, мулоқат, ўқиш ва ёзиш малакалари	Предметларга қараб ҳикоя тузишга, ”яхши” ва “ёмон”ни ажратишга ўргатиш. Ўйинларда ҳайвон ва қушларга тақлид қилиш орқали товушларни талаффуз қилишни машқ қилиш. Уй ва ёввойи ҳайвонлар ҳақидаги билимларни бадиий адабиёт асарлари орқали кенгайтириш.				
		Билиш жараёнининг ривожланиши	Жониворларни хусусиятларига қўра тавсифлаш ва таққослашга ўргатиш. Математик тасаввурларни шакллантириш, сон-санок, катталиқ, ранг ва шакллар ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш. Табиатга оид билимларни кенгайтириш.				
		Ижодий ривожланиш	Болаларга лой, расм, аппликация билан шуғулланиш жараёнларида рангларни тўғри танлаш, мўйқалам, қайчи, турли бўёқлар билан ишлашда ҳаёт хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишни ўргатиш.				
Ривожланиш марказлари		Таълимий- тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурлар
Эркин фаолият	Қуриш, ясаш ва математика	Ажойиб халтача	Ўрмон қурамыз			Геометрик шакл, бир хил буюмларнинг икки хил - катта-кичик ҳажми, конструктор, леґо, катта–кичик дарахт ва буталар	
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	“Боғча томон йўл олганда” сюжетли-ролли ўйин				Ўйин учун қоғоз кесма, тўп, автомобиль рули, кесма сурат; қувноқ мусиқа, “Болалар учун йўл ҳаракати хавфсизлиги” китобчаси, светофор макети, жамоа учун кўкрак нишони, ўйинчоқлар.	
	Тил ва нутқ	Алишер Навоий портрети билан танишиш				А.Навоийнинг портрети, буюк сиймонинг китоблари. А.Навоий тасвирланган сюжетли расмлар	
	Фан ва табиат	Табиат: Пиёз экиш				Пиёз, шиша банка, сув, рангли қоғоз, елимлар	
	Санъат	Лой иши: Кичкина қушча	Аппликация: Қушчанинг уйчасини безаймиз		Расм :Қушлар учмоқда		А-4 ҳажмли оқ қоғоз, рангли қалам, елим, мўйқалам, салфетка, клеенка, тахтача, оқ картондан тайёрланган қушча учун уйча, лой ёк пластлин, сюжетли расмлар
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

ФЕВРАЛЬ. ИККИНЧИ ҲАФТА **ҲАЙВОНЛАР ВА ҚУШЛАР БИЛАН ДЎСТЛАШАМИЗ**

Қуриш, яшаш ва математика маркази

Ажойиб математик халтача (геометрик шакллар)

Мақсад: болалар геометрик шаклларнинг номини биладилар, шаклнинг белгиларига кўра гуруҳларга ажратадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: майда ва йирик ҳажмдаги геометрик шакллар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Пайпаслаб топчи, бу қандай шакл?” таълимий ўйини.
2. “Пайпаслаб кўр ва энг катта шаклни топ” таълимий ўйини.
3. “Ажойиб халтача ичидан энг кичик шаклни топ” таълимий ўйини.
4. “Ўхшабини топ” таълимий ўйини.

Қўшимча: геометрик шакллардан турли нарсаларни яшаш таклиф этилади .

Эътиборга молик жиҳати: диққатни жамлашга эътибор бериш.

Қуриш, яшаш ва математика маркази

Ўрмон қурамыз

Мақсад: болалар лево жамламасидаги яшил тагликларда ўрмон яратишга ҳаракат қиладилар, майда лево доначаларидан дарахт шаклини ясайдилар, дарахтларни нечта лево доначаларидан ясаганлиги, қандай рангли доначалар ишлатилганлигини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: лево тўпламлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар билан ўрмон ҳақида суҳбат.
2. Ўрмон мавзусидаги расмларни кузатиш.
3. Бармоқ гимнастикаси: «Дарахтлар».
4. Лево жамламасидан ўрмон ва дарахтларни яшаш.
5. Болалар ишларининг таҳлили ва рағбатлантириш.

Қўшимча: ўрмон ҳақида видеороликни кўриш таклифини бериш.

Эътиборга молик жиҳати: майда моторикани ривожлантириш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Боғчага йўл олганда” сюжетли-ролли ўйини

Мақсад: болалар шаҳар (кишлоқ) кўчалари, йўл ҳаракати қоидаларини биладилар, мантиқий фикрлашга ўрганадилар, ҳаракатларни тартибга соладилар, ўзининг ва яқинларининг хавфсизликлари учун қайғурадилар, ҳамкорликдаги ўйинлардан завқланадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қоғоз, тўп, автомобиль рули, кесма сурат; шўх мусиқа, “Болалар учун йўл ҳаракати қоидалари” китоби, яшил чироқ кийими, жамоалар учун кўкрак нишони.

Фаолиятнинг бориши:

1. МТМ суратларини томоша қилиш.
2. “Йўл белгилари” таълимий ўйини.
3. Болалар билан ролларни тақсимлаш.
4. Ўйин жараёнини ташкил этиш.

Қўшимча: болалар ўйнашлари учун янги сюжет таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: ўйин сюжетини очиб беришлари ва ўйин қоидаларига риоя қилишлари.

Тил ва нутқ маркази

Алишер Навоий портрети билан танишиш

Мақсад: болалар буюк аллома, шоир, ёзувчи Алишер Навоий ҳақида билиб оладилар, расмлар орқали унинг амалга оширган ишлари ҳақидаги тушунчаларини кенгайтирадилар, буюк сиймоларимиз билан фахрланиш ҳиссини шакллантирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: А.Навоий портрети, А.Навоийнинг фаолиятига доир расмлар, АКТ

Фаолиятнинг бориши:

1. А.Навоий портретини кузатиш.
2. Шоирнинг ҳаёти тўғрисида тарбиячи ҳикоясини тинглаш.
3. Болаларнинг А.Навоий ҳақида билганлари билан ўртоқлашиши. Сухбат
4. Алишер Навоий номи билан аталган шаҳар, жойларга расмлар ёрдамида саёҳат қилиш.

Қўшимча: А.Навоийнинг кичик ҳикоятларини ўқиб бериш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг нутқ ва диққатларининг ривожланиши.

Фан ва табиат маркази

Пиёз экиш

Мақсад: болалар турли кўчатларни экиш, уруғларни сепишга қизиқадиладар, уларни ўстириш ва парваришларга ўрганадиладар, пиёзнинг илдизлари ерга кириб туриши кераклигини билиб оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: пиёз, елим катта тўртбурчак кути, шиша идиш, тупроқ, сув, сурат ва муляжлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Катта гуруҳ болалари эккан пиёзларнинг расмини кўриш.
2. Пиёз, унинг илдизларини кузатиш.
3. Экиш учун елим катта тўртбурчак қутини тупроқ билан тўлдириш.
4. Елим қутига пиёзларни тиқиш ва уларни суғориш.
5. Стаканларга сув солиш ва уларга ҳам пиёзларни экиш
6. Тайёр ишларни кўриш ва болаларни рағбатлантириш.

Қўшимча: “Томорқада нима ўсади?” таълимий ўйини.

Эътиборга молик жиҳати: ишни тўғри бажариш, ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Санъат маркази

Лой иши: Кичкина қушча (пластлин, тузли хамир)

Мақсад: болалар қўл кафтлари орасида лойни думалоқлашни, думалоқ лойни чўзиш орқали бош ва қанотларни чиқариш усулларини биладиладар, майда қўл моторикасини ривожлантирадиладар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: пластлин, тузли хамир, стек, қушлар тасвирланган расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Қушлар тасвирланган расмларни кузатиш.
2. Қушнинг тузилиши ва қандай қисмлардан ташкил топганини аниқлаш.
3. Фаолиятни бошлаш учун шароит яратиш, керакли жиҳозларни танлаш.
4. Болаларнинг мустақил ижодий ишлари.
5. Якуний ишларни намоиш қилиш, болаларни рағбатлантириш.

Қўшимча: Қушлар ҳақида шеър ва топишмоқлар айтиш.

Эътиборга молик жиҳати: Болаларнинг ўзаро муносабатлари.

Санъат маркази

Аппликация: Қушча учун уйча

Мақсад: болалар елимлаш укувига эга бўладиладар, тасвирни қоғоз бўйлаб жойлаштиришни ўрганадиладар, ўз ижодидан завқ олиш ҳиссини туядиладар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: елим, мўйқалам, салфетка, клеенка, рангли қоғоз, қайчи, АКТ.

Фаолиятнинг бориши:

1. Сухбат: “Қушлар бизнинг дўстимиз”.
2. Қушлар тасвирланган расмларни кузатиш.
3. Кетма–кетликда берилган чизма асосида фаолиятни бошлаш.
4. Болалар ишлари кўргазмаси.

Қўшимча: қушлар овозини АКТ орқали тинглаш.

Эътиборга молик жиҳати: тартибли ишлаш, ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Санъат маркази

Расм: Қушлар учмоқда

Мақсад: болалар қушларнинг расмини чизадилар, рангли қаламлардан тўғри фойдаланадилар, қушлар ҳақидаги билимларини кенгайтирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: А-4ҳажмли оқ қоғоз, қушлар тасвирланган расмлар, рангли қаламлар ва бўёқлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Қушлар ҳақида сухбат.
2. Қушларнинг расмларини кузатиш, унинг қисмлари ва шаклини аниқлаш .
3. Расм чизиш жараёни.
4. Болалар ишлари кўргазмаси.

Қўшимча: “Бу қайси қуш” таълимий ўйинини таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: майда қўл моторикасининг ривожланиши.